

# Фарзанд тарбияси

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبکي]

Акбар Ҳасан

Муҳаррип: Шокир Собир

2011 - 1432

IslamHouse.com

# ﴿ تربية الأولاد ﴾

« باللغة الأوزبكية »

أكبر حسن

مراجعة: شاكر صابر

2011 - 1432

IslamHouse.com

بسم الله الرحمن الرحيم

## Бисмиллахир роҳманир роҳим

الحمد لله رب العالمين ، والعاقبة للمتقين ، ولا عدوان إلا  
على الظالمين، والصلوة والسلام على سيدنا محمد ، وعلى آله وصحبه  
أجمعين، وبعد:

## Фарзанд тарбияси

عن عائشة رضي الله عنها قالت: دخلتْ عَلَيْ امْرَ أَوْ وَمَعَهَا ابْنَتَانِ لَهَا  
تَسْأَلُ، فَلَمْ تَجِدْ عِنْدِي شَيْئًا غَيْرَ تَمْرٌ وَاحِدٌ، فَأَعْطَيْتَهَا إِلَيْهَا، فَقَسَّمْتُهَا بَيْنَ  
ابْنَتِهَا وَلَمْ تَأْكُلْ مِنْهَا، ثُمَّ قَامَتْ فَخَرَجَتْ، فَدَخَلَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
عَلَيْنَا، فَأَخْبَرَتْهُ فَقَالَ: «مَنِ ابْتُلَى مِنْ هَذِهِ الْبَنَاتِ بِشَيْءٍ فَأَحْسَنَ إِلَيْهِنَّ كُنَّ  
لَهُ سِئْرًا مِنَ الدَّارِ».

Ойша розияллоҳу анҳо ушбу ҳадисда шундай ривоят қиласидилар: «Олдимга бир аёл иккита қизини еталаб, олиб кириб, бирор нарса беришими сўради. Уйда бир дона хурмодан бошқа нарса тополмай, ўша хурмони бўлса ҳам у аёлга бердим. У аёл

ўзи емасдан, хурмони иккига бўлиб, қизларига узатди-да, ўрнидан туриб чиқиб кетди. Набий саллаллоҳу алайҳи вассаллам уйга киргандарида бўлган воқеани у кишига айтиб бердим. Шунда у зот: «Кимнинг қиз фарзандлари бўлиб, уларга яхши муомала қилса, бу қизлар унга дўзах оташидан қалқон бўлади», - дедилар. (Муттафақун алайҳи). Ҳадиснинг арабча матнида,

«مَنِ ابْتُلَىٰ مِنْ هَذِهِ الْبَنَاتِ».

калимаси ишлатилгандир. Уламолар: бу ерда «убтулия» калимаси «қиз фарзанд билан мусибатланса» маъносида эмас, балки «кимга қиз фарзанд тақдир қилинган бўлса», ёки «кимга қиз фарзанд ато этилган бўлса» маъносидадир, деганлар. Аввал ҳадис ровийси Ойша розияллоҳу анҳо билан танишамиз. Ойша розияллоҳу анҳо пайғамбаримизнинг суюкли аёли эдилар. Оталарининг исми Абу Бакр ибн Абу Құхафа Усмон ибн Омирдир. Онаси Умму Руммон бинти Уваймир ибн Абдушамс ибн Аттобдир. Умму Руммон

жоҳилият даврида биринчи турмуш ўртоғи Ҳорис ибн Сухайр ал-Аздий вафот етгандан сўнг, Абу Бакр никоҳига ўтган. Абу Бакр даъвати билан исломни қабул қилган. Абу Бакрдан уммул мўминин Ойша розияллоҳу анҳо билан Абдураҳмон ибн Абу Бакрни кўрган. Ҳижратнинг олтинчи йили вафот этган. Ҳадича розияллоҳу анҳо вафот этиб, Росулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳога уйланганларидан сўнг Ойша онамизни ўз никоҳларига олганлар. Росулуллоҳ уйланган аёлларнинг Ойшадан бошқа ҳаммаси, аввал турмуш қурган эди, факат Ойша онамиз бокира бўлганлар. Ойша Росулуллоҳга аёллари ичида энг суюклиси эди. Саҳобалар: Ё Росулуллоҳ, одамлар ичида кимни кўпроқ яхши кўрасиз? - деганларида, «Ойшани», - деб жавоб берганлар. Эркакларданчи? - деб сўрашганида, «Отасини», - деган эканлар. Ойша розияллоҳу анҳо фикҳ, ҳадис ва тафсир илмини кенг эгаллаганлиги тарихда маълум ва машҳурдир.

Ойша онамизни Росууллоҳ ҳаётлик даврида мунофиқлар томонидан қилинган түхматдан пок эканлиги Аллоҳ таоло томонидан тасдиқланган. Ва бу борада оятлар нозил қилинган. Саҳобалар бирор диний масалада ечим топа олишмаса, Ойша розияллоҳу анҳога мурожаат қилишган. Айниқса, Росууллоҳнинг шахсий ҳаётига боғлиқ масалалар Ойша онамиздан кўпроқ ўрганилган.

Росууллоҳ соллоппоҳу алайҳи васаллам Ойша онамизни хужрасида ва Ойша онамизнинг қўлида жон берганлар ва шу муборак хужрага дафн қилинганлар. Ойша онамиз Росууллоҳ билан саккиз йилу беш ой бирга яшаганлар. Росууллоҳ вафот этганларида Ойша онамиз 18 ёшда бўлган.

Ойша онамизнинг фазилатларида янада биримуминларга берилган енгиллик, яъни, сув йўғида таяммум қилиш ояти Ойша онамиз сабабли нозил бўлганидир. Ойша онамиз ҳижрий 57 санада рамазон ойининг ўн еттинчи кунида, Мадина мунавварада отмиш олти

ёшида вафот этган ва Бақеъ қабристонига дафн қилинганд. Ойша онамиздан икки минг икки юз ўнта ҳадис ривоят қилинганд. Бундан 316тасини имом Бухорий ва имом Муслим ўз саҳих тўпламида келтирган.

Ҳадиснинг шарҳи, муаллиф раҳматуллоҳи алайҳи Ойша онамиздан ажойиб қиссани келтираяпти. Ойша онамиз ўз уйларига иккита қизчасини етаклаб олган бир бечора аёлнинг кириб келганини ва камбағал бўлганлиги сабаб бирор нарса беришини сўраганлигини айтяптилар. Ҳадисга эътибор қаратинг: «уйимда бир дона хурмодан бошқа нарса топилмаганидан шуни бердим». Кимнинг уйида? Сарвари коинот Муҳаммад мустафо соллоплоҳу алайҳи вассалламнинг энг суюкли аёлининг уйида.

У аёл хурмони Ойша онамиздан олиб иккига бўлиб, иккита қизига едирибди, ўзи эса емабди. Набий алайҳис-салом Ойша онамизнинг уйларига киргандарида, Ойша онамиз ўзида таассурот қолдирган ушбу ажойиб воқеани у

зотга айтиб берибдилар. Пайғамбаримиз бу воқеани эшитиб, кимки иккита қизли бўлса, уларнинг тарбиясини ўрнига қўйиб, яхши қилса, уларга молидан оғринмасдан инфоқ қилса, шу ожиза қизларига қилган яхшилиги, уни дўзах ўтидан сатр қилишини айтмоқдалар. Дарҳақиқат, эркак киши аёлларга инфоқ қилади. Аёлар ожиза, заифа бўлганликлари боис уйда ўтирадилар ва уй ишлари, ҳамда болалар тарбияси билан шуғулланадилар. Аллоҳ таоло қуръони каримнинг Нисо сурасида шундай дейди:

{الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ وَبِمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ ..} [النساء: 34]

«Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимиий) қоим турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан баъзи хусусиятларда ортиқ қилгани ва эркаклар ўз оилаларига, ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришлариdir». (Нисо сураси, 34-оят).

Тарихдан маълумки, жоҳилиятда араб мушриклари аёлларининг ой куни яқинлашиб қолса, бир чоҳ кавлаб қўяр эди. Агар фарзанд ўғил туғилса, уни олиб қолар, агар қиз туғилса, уни ўша олдиндан кавлаб қўйган чоҳга олиб бориб, тириклиайн ташлаб, устидан тупроқ тортиб юборар эди. Ислом бундай ваҳшийликка қаттиқ қарши турди. Ўз фарзандларини ўғил, қиз деб ажратишни Аллоҳ берган неъматга ношукурлик, деб уқтириди. Бунга ҳам кифоя қилмасдан, кимки иккита қизли бўлиб, буларга яхши эътибор берса, дўзах ўтидан нажот топиш ҳақида хуш хабар берди. Ҳозирги замонамиизда ҳам ўғил туғилса хурсанд бўлиб, қиз туғилса хафа бўладиган, аёлига кўп жафо берадиганлар ҳам учраб туради. Айнан шунга ўхшаш бўлиб ўтган бир воқеани муҳтарам ўқувчиларга фойдадан холи бўлмас, деган мақсадда, қуида келтираман:

Яқинда масжидимиз аҳлидан бўлган бир амаки намоздан сўнг масжидимиз супасида ғамгин ўтирганини кўриб қолдим. Олдига яқинлашиб,

салом бердим ва ёнларига секин ўтиридим-да,  
ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг: Тобингиз яхшими,  
бирор жойингиз оғримаяптими, кайфиятингиз  
йўқ кўринади? - деб сўрадим.

Амаки: Йўқ, ҳамма жойим соғ, алҳамдулиллаҳ.  
Лекин ҳозир ёшлик қилиб, ҳаётимда қилган  
хатойимга пушаймон бўлиб ўтирибман, - деди.  
Мен амакининг бу сўзидан кейин бирор нарса  
дэя олмадим. Лекин амаки нима хато қилган  
экан-а, деган фикр дарров ҳаёлимдан ўтди.  
Амаки буни уққандек, ўз ҳикоясини бошлади.  
Аёлим учта қизимиздан сўнг, тўртинчи  
фарзандимизга ҳомиладор бўлиб, кўз ёриши  
яқин қолган кунлар эди. Ўртоқларим билан  
ҳафталик ўтиришимиз бор бўлгани сабаб, тез-  
тез кийиндим-да, эшик томон қараб юрдим.  
Шунда орқамдан етиб келган аёлим муnis  
кўзлари билан менга ялингансимон боқди-да:  
Дадаси, жон дадаси, бугун эртароқ келинг,  
жуда безовта бўляяпман, - деди. Мен унинг  
сўзларига парво ҳам қилмай пойафзалимни кия  
туриб унинг дўмпайған қорнига бир нуқидим-да,  
ҳа нима, сен туғсанг факат қиз туғасанда, деб

уидан чиқиб кетдим. Машинамга ўтириб ўт олдириб, энди юраман деб турсам, етти ёшли түнғич қизим орқамдан шошиб чиқиб, ийғламсираб, аясининг уй ичида ётиб қолганини айтди. Дарров уйга қайтдим. Аёлим, менинг муштипарим, уйнинг ўртасида қорнини ерга берганча оғриқнинг зўридан нима деётганини ҳам билмай ётарди. Аста суяб турғиздим-да, зудлик билан туғруқхонага етказдим. Дарҳол докторлар уни олиб кириб кетишиди. Қанча турдим билмайман-у, бироқ докторнинг: фарзандингиз ўғил экан, дегани ҳанузгача қулоғимда жаранглайди. Доктор менга гапни сабрдан бошлаб, хотинимнинг қорнига зарб билан урилгани сабаб, жигарбандим лат еб, ҳалок бўлгани билан тугатди. Шунда ўзимга келдим. Ҳали дунё юзини кўрмаган, ўзим узоқ йиллардан бери орзиқиб кутаётган жонимдан ширин фарзандимни, жигарбандимни жоҳиллигим сабабли ўлдириб қўйганимни хис қилдим...

Хуллас, биз уйга қайтдик. Орадан кунлар, кунлар ортидан ой ва йиллар ўтди. Аллоҳ

менга кетма-кет уч ўғил берди. Рафиқам билан қизларни турмушга чиқардик, ўғилларни уйладик. Бу орада аёлим, менинг меҳрибон рафиқам, кўзларимга меҳр билан боқиб турадиган фариштам ҳаётдан кўз юмди. Шунча бирга яшаган бўлсак, бирор марта ҳам менга ўша машъум воқеани эслатмади. Мени ўз фарзандининг қотили эканлигимни айтиб, бирор марта ҳам қораламади. Ҳаммасини Аллоҳдан деб билди...

Ҳикоя шу ерга келганда амаким узоқ жим туриб, ҳаёлга берилиб кетди. Бироз кутгандан сўнг, сабрим тугаб: Уч ўғил кўрган бўлсангиз, яхши-ку, - дедим. Амаки: Ҳа, - деб чукур хўрсинди.

- Бу ўғиллар менинг ўша гуноҳимга бу дунёда берилган жазо бўлса керак. Кенжа ўғлим ҳовлида мен билан бирга қолган. Деярли икки йилдан бери гаплашмаймиз. Набираларим ҳам отасининг таъсирида менинг хонамга киришмайди.

Катта ўғлимниңига бир борсам, келиним ўғлимга: Дадангиз қачон кетарканлар? - деганини әшитиб қолдим. Шу-шу уларниңига қадам босмайман.

Аммо қызларим, менинг маликаларим, күн ора келиб иссиқ овқатымдан хабар олиб туришади. Ўзлари кела олмаса ҳам, набираларимни жүнатади. Агар уйларига бориб қолсам, құярга жой топиша олмайди. Бира-тұла күчиб келишимни қайта-қайта сүрайдилар. Оналари билан бирға қурған уйни ташлаб кета олмаслигимни, оналарини ўша ерда ҳар куни дуо қилишимни баҳона қилиб, қайтаман. Баъзида ўғилларим ҳам қызы бўлиб қолмаган эканда, деб ўкинаман. Амаки ўз ҳикоясини давом эттираётганда масжидга менга нотаниш бир киши кириб келди. Амаки билан қучоқлашиб сўрашди ва: уйга кирсак, йўқ экансиз, қизингиз нарсаларингизни йиғиширияпти. Қиши ичи биз билан турасиз, деб етаклаб олиб чиқиб кетди...

Ҳадисдан олинадиган сабоқлар:

- 1- Ресулуплоҳнинг уйларида бир дона хурмодан бошқа нарса топилмаганлиги.
- 2- Саҳобалар орасида бойлари бўлгани каби камбағаллари ҳам бўлгани.
- 3- Саҳобалар ўзлари муҳтож бўлсалар ҳам, ўзгаларни афзал кўришлари.
- 4- Қизлар ожиза бўлганликлари боис, уларга алоҳида эътибор бериш, уларнинг эҳтиёжлари учун инфоқ қилиш.
- 5- Қиз фарзандлар дўзах ўтидан тўсадиган парда бўлиши.